

Самарқанд шаҳрида халқаро конференция ўз ишини бошлади



05:08 / 03.03.2020 2668

Самарқанд шаҳрида «Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун» мавзусида халқаро конференция ўз ишини бошлади. Бу ҳақда uza.uz манбаси хабар беради.

Унда ал-Азҳар мажмуаси раҳбари Шайх Аҳмад Таййиб бошчилигидаги делегация, шунингдек, Босния ва Герцеговина, Германия, Иордания, Индонезия, Малайзия, Покистон, Россия, Туркия, Украина, Швейцария, Қирғизистон ва Қозоғистон каби мамлакатлардан 70 га яқин уламолар, исломшунос олимлар, нуфузли таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари раҳбарлари иштирок этмоқда.

Конференциянинг очилишида Бош вазир ўринбосари Азиз Абдуҳакимов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Рустам Қосимов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов, Самарқанд вилояти ҳокими Эркинжон Турдимов ва бошқалар қатнашмоқда.

Тадбирда кейинги йилларда мамлакатимизда асрий анъана ва кадриятларимизни асраб-авайлаш ва келажак авлодларга етказиш, эътиқод эркинлигини таъминлаш, хусусан, эзгулик ва яхшиликка

асосланган ислом динининг асл моҳиятини тарғиб қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Ислом дини ривожда беқиёс ўрин эгаллайдиган Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтаётган мазкур анжуманда муҳокама этиладиган мавзулар исломнинг асл моҳиятини тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этиши, конференция якуни бўйича қабул қилинадиган ҳужжатлар эса Ислом маданияти ва цивилизациясини янада тараққий эттиришга хизмат қилиши қайд этилди.





Islom.uz портали таҳририяти